

**«SAMARQAND KAMALAKINVEST  
TEKSTIL»  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ**



**ОБЩЕСТВО ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕСТВЕННОСТИ  
«SAMARQANDKAMALAKINVESTTE  
KSTIL»**

---

**Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чархин қўргони, Балхиён махалласи, тел: (+99890) 4586777  
Х/р: 20208000500283664001; АТ «АСАКА БАНК»; МФО: 00264 ;  
ИНН:302831049; ОКЭД:13201**

---

**25.08.2023 й.**

**№ 25/08**

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
судининг Иқтисодий ишлар бўйича  
судлов ҳайъатига**

**даъвогар- «Samarqand kamalak invest tekstil»  
МЧЖ томонидан**

**Манзили: Пастдарғом тумани, Чархин қўргони, Балхиён махалласи**

**даъвогар - «Жума пахта тозалаш» АЖ акциядори,  
24.24 фоиз улуш эгаси Ахмедов  
Шерзод Асламжонович**  
Яшаш манзили: Самарқанд шаҳри,  
Боғимайдон-2 кўчаси, 18-уй.

**жавобгарлар - «Жума пахта тозалаш» АЖ.  
Манзили: Пастдарғом тумани, Жума шаҳри,  
А.Темур кўчаси, 1-уй**

**«OLIMP-BAXOLASH VA EKSPERTIZA  
MARKAZI» МЧЖ**  
Манзили: Тошкент шаҳри, «М.Торобий»  
кўчаси  
6-уй.

### **КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ**

**4-1402-2201/1722-сонли иқтисодий иш бўйича Самарқанд вилоят суди иқтисодий  
ишлар бўйича апелляция судлов ҳайъатининг 2023 йил 22 июнданги қарори устидан**

**Пастдарғом туманлараро иқтисодий судига даъвогар - «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖ жавобгарлар «Juma paxta tozalash» АЖ ва «Olimp-Baholash va Ekspertiza» МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар «Olimp-Baholash va Ekspertiza» МЧЖнинг «Juma paxta tozalash» АЖ 100 % акциялар пакети ва 1 дона оддий акцияни бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисботининг**

«Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ҳамда унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини жами баҳоси 60 341 779 000 сўмни ташкил этиш тўғрисидаги баҳолангандан қисмини ишончли эмас деб топишни; «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бино иншоотлари юзасидан баҳолаш ўтказиб, баҳосига аниқлик киритишни; «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотларини баҳолангандан қийматда сотиш юзасидан «Juma paxta tozalash» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш мажбуриятини юклатишни сўраган.

Ушбу даъво ариза суднинг иш юритувига қабул қилинган ва 4-1402-2201/1722-сонли иқтисодий иш қўзғатилган.

Шунингдек, даъвогар «Juma paxta tozalash» АЖ акциядори Ахмедов Шерзод Асламович жавобгарлар «Juma paxta tozalash» АЖ ва «Olimp-Baholash va Ekspertiza» МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан Пастдарғом туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, даъво талабида «Olimp-Baholash va Ekspertiza» МЧЖ нинг «Juma paxta tozalash» АЖ 100 % акциялар пакети ва 1 дона оддий акцияни бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли хисботининг «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ҳамда унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини жами баҳоси 60 341 779 000 сўмни ташкил этиш тўғрисидаги баҳолангандан қисмини ишончли эмас деб топишни; «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бино иншоотлари юзасидан баҳолаш ўтказиб, баҳосига аниқлик киритишни сўраган.

Ушбу даъво ариза суднинг иш юритувига қабул қилинган ва 4-1402-2201/1721-сонли иқтисодий иш қўзғатилган.

Самарқанд вилоят судининг 2022 йил 27 июлдаги 127-сонли буйруғи билан, Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди раиси вазифасини вақтинча бажариш Каттақўргон туманлараро иқтисодий суди раиси Й.Т.Норбеков зиммасига юклатилган.

Шунингдек, даъвогар «Juma paxta tozalash» АЖ акциядори Ахмедов Шерзод Асламович судга қўшимча даъво ариза тақдим қилиб, асосий даъво аризада кўрсатилган даъво талабига жавобгар «Juma paxta tozalash» АЖнинг 100% акциялар пакети ҳамда бир дона оддий акциянинг бозор баҳоси бўйича баҳолаш ўтказишни ва баҳосига аниқлик киритишни сўраган.

Ушбу қўшимча даъво ариза суднинг иш юритувига қабул қилинган ва асосий даъво аризага қўшиб кўриб чиқиш учун тайинланган.

Суднинг 2022 йил 21 сентябрдаги ажрими билан 4-1402-2201/1721-сонли иқтисодий иш ва 4-1402-2201/1722-сонли иқтисодий иш битта иқтисодий ишга бирлаштирилган ва бирлаштирилган иқтисодий ишларга 4-1402-2201/1722-сонли иш рақами берилган.

Судга даъвогар «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖ ариза тақдим этиб, даъво талабининг «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бино иншоотлари юзасидан баҳолаш ўтказиб, баҳосига аниқлик киритиш қисмидан воз кечган.

Судга даъвогар «Juma paxta tozalash» АЖ акциядори Ахмедов Шерзод Асламович ариза тақдим этиб, даъво талабининг «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва

«Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бино иншоотлари юзасидан баҳолаш ўтказиб, баҳосига аниқлик киритиш ҳамда «Juma paxta tozalash» АЖнинг 100% акциялар пакети ҳамда бир дона оддий акциянинг бозор баҳоси бўйича баҳолаш ўтказиши ва баҳосига аниқлик киритиш қисмидан воз кечган.

Судга даъвогар «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖ ариза тақдим этиб, даъво талабининг «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотларини баҳолангандан қийматда сотиш юзасидан «Juma paxta tozalash» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш мажбуриятини юклатиши қисмига қўйидаги ўзгартириш киритган: «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли жойлардаги пахта тайёрлаш пунктларининг бино-иншоотларини «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖга Х.Сулаймонова номидаги давлат суд эксперталари томонидан баҳолангандан қийматда яъни, 14 403 373 380 сўмдан кам бўлмаган миқдорда сотиш юзасидан «Juma paxta tozalash» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш мажбуриятини юклатишини сўраган.

Судга даъвогар «Juma paxta tozalash» АЖ акциядори Ахмедов Шерзод Асламович қўшимча даъво ариза тақдим этиб, дастлабки даъво талабларига қўшимча равища 20.01.2022 йилдаги «Juma paxta tozalash» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари 2-сонли умумий йиғилиш қарорининг «Olimp-Baholash va Ekspertiza» МЧЖнинг «Juma paxta tozalash» АЖ 100 % акцияларини пакети ва 1 дона оддий акциясини бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисоботига асосланиб, қабул қилган «Juma paxta tozalash» АЖ пахта тозалаш корхонаси ҳамда унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Қўчқоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини жами баҳоси 60 млрд. 341 млн. 779 минг сўмга сотиш қисмини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ажрими билан қўшимча даъво ариза иш юритувига қабул қилинган.

Каттакўрғон туманлараро иқтисодий суди томонидан ушбу бирлаштирилган иш юзасидан 20.10.2022 йилда ҳал қилув қарори қабул қилиниб, унга кўра

1. «Олимп баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖнинг «Жума пахта тозалаш» АЖ 100% акциядорлар пакети ва 1 оддий акцияни бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисоботининг «Жума пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Қўчқоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини жами баҳоси 60 млрд. 341 млн. 779 минг сўмни ташкил этиш тўғрисидаги баҳолангандан қисми ишончли эмас деб топилган.

2. «Жума пахта тозалаш» АЖ акциядорларининг 20.01.2022 йилдаги навбатдан ташқари 2-сонли умумий йиғилиш қарорининг «Олимп-баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖнинг «Жума пахта тозалаш» АЖ 100% акцияларини пакети ва 1 дона оддий акциясини бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисоботига асосланиб, қабул қилган «Жума пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш корхонаси ҳамда унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Қўчқоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотларини 60 млрд. 341 млн. 779 минг сўмга сотиш қисми ҳақиқий эмас деб топилган.

3. Жавобгар «Жума пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли жойлардаги пахта тайёрлаш пунктларининг бино-иншоотларини «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖга Х.Сулаймонова номидаги давлат суд эксперталари томонидан баҳолангандан қийматда, яъни 14 млрд. 403 млн. 373 минг 380 сўмдан кам бўлмаган миқдорда сотиш юзасидан «Жума пахта тозалаш» АЖ кузатув кенгашига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг 5 кун муддат ичida акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш мажбурияти юклатилган.

Жавобгар - «Жума пахта тозалаш» АЖ томонидан ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан берилган апелляция шикояти кўриб чиқилиб, Самарқанд вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 26 декабрдаги қарори билан Каттакўрғон туманлараро иқтисодий суди 20.10.2022 йилдаги 4-1402-2201/1722-сонли ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан мазмунан кўриш учун Самарқанд шаҳар иқтисодий судига юборилган.

Ушбу иш юзасидан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди томонидан 25.04.2023 йилда ҳал қилув қарори қабул қилиниб, унга кўра

1. «Олимп баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖнинг «Жума пахта тозалаш» АЖ 100% акциядорлар пакети ва 1 оддий акцияни бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисботининг «Жума пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Кўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотлари ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини жами баҳоси 60 млрд. 341 млн. 779 минг сўмни ташкил этиш тўғрисидаги баҳоланганд қисми ишончли эмас деб топилган.

2. «Жума пахта тозалаш» АЖ акциядорларининг 20.01.2022 йилдаги навбатдан ташқари 2-сонли умумий йигилиш қарорининг «Олимп-баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖнинг «Жума пахта тозалаш» АЖ 100% акцияларини пакети ва 1 дона оддий акциясини бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисботига асосланиб, қабул қилган «Жума пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш корхонаси ҳамда унга қарашли «Т.Усмонов», «М.Кўчкоров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш пунктлари бино-иншоотларини 60 млрд. 341 млн. 779 минг сўмга сотиш қисми ҳақиқий эмас деб топилган.

3. Жавобгар «Жума пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш корхонаси ва унга қарашли жойлардаги пахта тайёрлаш пунктларининг бино-иншоотларини «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖга ишончли баҳолаш ҳисботида кўрсатилган қийматда сотиш юзасидан «Жума пахта тозалаш» АЖ кузатув кенгашига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг 5 қун муддат ичida акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш мажбурияти юклатилган.

Жавобгар - «Жума пахта тозалаш» АЖ томонидан ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан берилган апелляция шикояти кўриб чиқилиб, Самарқанд вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 22 июндаги қарори билан Самарқанд шаҳар судининг 25.04.2023 йилги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабаларини қаноатлантириш рад этилган.

Қуидагиларга асосан, Самарқанд вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 22 июндаги қарорини бекор қилиш лозим бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартағи «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 230-сонли қарори ҳамда 19.09.2018 йилдаги 744-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, «Жума пахта тозалаш» АЖ ва унга тегишли бўлган пахта тайёрлов масканлари Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2018 йилдаги 253-сонли қарорининг 2-бандида назарда тутилган шартлар асосида «Samarqand kamalak invest tekstil» маъсулияти чекланган жамиятига 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотилиши ҳамда ушбу Қарорнинг 3-бандида пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда иншоотлари бир ой муддатда баҳоланиши, пахта тозалаш корхоналари бошқарув органларининг йигилишларини икки ой муддатда ўтказиш ташаббусини ва Ишчи комиссияга кўриб чиқиш учун тавсия этилган масалалар кун тартибига киритилишини, шунингдек пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари билан тегишли шартномалар тузилишини таъминласинлар деб белгиланган.

Ушбу қарорлар ижроси бўйича, «BUSINESS INVEST CONSULT» МЧЖ томонидан 2019 йил 22 майда «Жума пахта тозалаш» АЖ ва унинг 3 та пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотлари 29,3 млрд. сўмга баҳоланган.

Баҳолаш хуносаси қийматида, М.Қўчқаров пахта тайёрлаш маскани ҳудудида жойлашган уруғлик чигитни дорилаш цехи хамда «Самарқанд» ва М.Фофуров пахта тайёрлаш масканларидағи пиллахона бино ва иншоотлари хам қўшиб баҳоланган бўлсада, лекин, бино-иншоотлар топшириш-қабул қилиш далолатномасига киритилмаган.

Сабаби, уруғлик чигитни дорилаш цехи «Самарқанд пахта уруғчилиги» МЧЖга тегишли бўлса, пиллахоналар биноси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 01 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4700-сонли Қарорининг 9-бандига асосан «Ўзбекпаксаноат» уюшмаси таркибидаги «ELBEK T.R.J» МЧЖга сотилган.

Шундан сўнг, «Жума пахта тозалаш» АЖ ва «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖ ўртасида 22.08.2019 йилда «Жума пахта тозалаш» АЖ ва унга тегишли бўлган 3 та пахта қабул қилиш масканларини 21,6 млрд. сўмга сотишга шартлашилган. Бирок, ушбу шартнома жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланмаганлиги боис ҳақиқий ҳисобланмаслигини инобатга олиб, объектларни қайта баҳолашда хамда «Жума пахта тозалаш» АЖ ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканларини, шу жумладан корхонанинг асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун олди-сотди шартномаларини белгиланган тартибда расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, жамиятимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларни бошқариш агентлиги директори С.Бекенов номига сўровнома юборилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Бекенов томонидан 23.07.2020 йилда имзоланган 597/01-08-сонли хамда «Ўзпахтасаноат» АЖ бошқарув раиси А.Максудов томонидан 23.07.2020 йилда имзоланган 01-12/2037-сонли қўшма йиғилиш баёни Самарқанд вилоят ҳокимига юборилган.

Ушбу қўшма йиғилиш баёнида қўйидагилар, яъни, 2020 йилнинг 15 август кунига қадар кластер корхоналари билан тузилган олди-сотди шартномаларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ва мол-мулкларни сотиш бўйича бошқарув органлари қарорларини қабул қилиш хамда баҳолаш ва сотиш жараёнларини қайтадан бошлаш, мол-мулкларни сотиш бўйича акциядорлар умумий йиғилишларида етарли овоз тўпланмаётган пахта тозалаш корхоналарининг акция пакетларини миноритар акциядорлардан сотиб олиш ташабbusi билан чиқиши кластер корхоналарига тавсия этиш, кластер корхоналари томонидан миноритар акциялар сотиб олингандан сўнг, мол-мулкларини баҳоланган қийматда кластер корхоналарига сотиш масаласини жамият акциядорлари умумий йиғилишларида кўриб чиқиши таклифлари киритилган.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринbosари раҳбарлигига 20.07.2020 йилда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириклар, шу жумладан Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг қўшма йиғилиш Баёни хамда Самарқанд вилоят ҳокими ўринbosари томонидан 2020 йил 05 август куни тасдиқланган ишчи гурухи йиғилишининг 05-05/165-сонли Баёнининг 2-бандига мувофиқ, «Жума пахта тозалаш» АЖ ва жамиятимиз ўртасида 22.08.2019 йилда тузилган «Кўчмас мулкни сотиш тўғрисида»ги 153-сонли шартномани белгиланган тартибда бекор қилинишини таъминлаш, ушбу баённинг 3-бандига кўра, «Жума пахта тозалаш» АЖнинг бино хамда иншоотлари ва асбоб-ускуналарини пахта тўқимачилик корхонасига сотилиши

юзасидан белгиланган тартибда мустақил баҳоловчи ташкилотини жалб қилған холда баҳолаш ишларини қисқа кунларда якунлаш белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, Давлат активларини бошқариш агентлиги хамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан 2020 йил 26 августда тасдиқланган чоратадбирлар режасида, жамиятимиз томонидан билдирилган эътиrozлардан келиб чиқиб, мустақил баҳоловчи ташкилотларни жалб этган холда объектларни қайта баҳолаш белгиланган ва шунга мувофиқ, «Жума пахта тозалаш» АЖ хамда «GLOBAL BAHOLASH» МЧЖ ўртасида баҳолаш ва консалтинг хизматларини қўрсатиш бўйича 20.08.2020 йилда 922-сонли хамда 09.09.2020 йилда 251-сонли шартномалар тузилган.

Шунга кўра, «Жума пахта тозалаш» АЖ ва унга қарашли барча пахта қабул қилиш масканлар бино ва иншоотлари «GLOBAL BAHOLASH» МЧЖ томонидан 10,4 млрд. сўмга баҳоланган ва баҳолаш ҳисботлари «Континент имкон баҳо» МЧЖнинг мутахассислари томонидан экспертизадан ўтказилган.

Баҳолаш ҳисботларининг бино-иншоотлар қиймати тўғрисидаги хulosаларида кескин фарқ бўлганлиги сабабли, ҳисоб палатасининг ташабbusи билан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинган.

Ўрганишлар давомида, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Самарқанд вилояти Бошқармаси томонидан «Суд-комплекс экспертизаси тайинлаш тўғрисида» хамда Пастдарғом туман ИИБ хузуридаги Тергов бўлими томонидан 180003/2021-2НЕ-сонли жиноят иши доирасида «Суд-баҳолаш экспертизаси тайинлаш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилиниб, уни ўтказишлик Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Суд экспертизаси маркази Самарқанд вилоят бўлими эксперталари топширилган, эксперт олдига тақдим қилинган баҳолаш хulosаларининг қонун талаблари асосида баҳолангандиги ва ушбу баҳолаш хulosаларининг қай-бири илмий тўғриси асосланганлигига аниқлик киритиш, агарда баҳолаш хulosалари нотўғри услубда баҳоланган бўлса, «Жума пахта тозалаш» АЖ бино-иншоотларининг ҳозирги вақтдаги ўртacha бозор баҳоси қанчани ташкил қилиши тўғрисида савол қўйилган.

Давлат суд эксперталари судга оид курилиш-техникавий ва ер экспертизаси, суд-товаршунослик экспертизаси хамда транспорт-баҳолаш экспертизаси тадқиқотлари натижасига кўра, баҳоловчи ташкилотларнинг «Жума пахта тозалаш» АЖ хамда унга тегишли бўлган пахта тайёрлов масканларининг бино ва иншоотлари хамда асбоб ускуналарини баҳолаш ҳақидаги хulosалари Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш тўғрисида»ги 15-сонли мулкни баҳолаш миллий стандарти талабларига зид равищда баҳолангандиги маълум бўлган.

Шу сабабли давлат суд эксперталари томонидан «Жума пахта тозалаш» АЖнинг бино ва иншоотларини жами 14 403 373 380,00 сўмга (бугунги кундаги бозор қиймати бўйича «Жума пахта тозалаш» АЖ бино ва иншоотлари 7 156 869 129 сўмга, М.Фофуров пахта тайёрлаш маскани бино ва иншоотлари 1 221 374 662 сўмга, М.Кўчқаров пахта тайёрлаш маскани бино ва иншоотлари 1 487 908 801 сўмга, Т.Усмонов пахта тайёрлаш маскани бино ва иншоотлари 1 339 803 759 сўмга, Самарқанд пахта тайёрлаш маскани бино ва иншоотлари 1 902 473 478 сўмга, Хончарбоғ пахта тайёрлаш маскани бино ва иншоотлари 1 294 943 551 сўмга) қайта баҳолаш тўғрисида 2021 йил 02 июл куни 29/21-08(1715)16.1Z/3030-сонли ва 29/21-08(1727)16.3Z/3031-сонли; 2021 йил 02 июл куни 29/21-08(1716)16.1Z/3032-сонли ва 29/21-08(1728)31.1Z/3033-сонли; 2021 йил 02 июл куни 29/21-08(1717)16.1Z/3034-сонли ва 29/21-08(1729)31.1Z/3035-сонли; 2021 йил 02 июл куни 29/21-08(1718)16.1Z/3036-сонли ва 29/21-08(1730)31.1Z/3037-сонли; 2021 йил 02 июл куни 29/21-08(1719)16.1Z/3038-сонли ва 29/21-08(1731)31.1Z/3039-сонли; 2021 йил 02 июл куни 29/21-08(1720)16.1Z/3040-сонли ва 29/21-08(1732)31.1Z/3041-сонли хulosалар берилган.

Бироқ, «Жума пахта тозалаш» АЖ томонидан ушбу хулоса ҳам инобатга олинмасдан, 2021 йил 08 ноябрда «Жума пахта тозалаш» АЖ ва «OLIMP-BAXOLASH VA EKSPERTIZA MARKAZI» МЧЖ ўртасида 275/21-сонли шартнома тузилган бўлиб, мазкур шартноманинг 1.1-бандида ижрочи «Жума пахта тозалаш» АЖнинг 100% акцияларини ва 1 дона оддий акцияларини бозор қийматини аниқлаш, буюртмачи эса шартнома бўйича тўловларни олдиндан тўлов шаклида амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартнома ижроси юзасидан «OLIMP-BAXOLASH VA EKSPERTIZA MARKAZI» МЧЖ томонидан «Жума пахта тозалаш» АЖнинг 100% акцияларини ва 1 дона оддий акцияларини бозор баҳоси тўғрисида 275/21-сонли ҳисобот тақдим қилинган, ҳисобот 2021 йил 22 ноябряда «Total Estimate» МЧЖ томонидан экспертизадан ўтказилган.

Ушбу шартнома бўйича «Жума пахта тозалаш» АЖнинг 100% акцияларини ва 1 дона оддий акцияларини бозор қийматини аниқлашда «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотлари жами 60 341 779 000 сўмга баҳолаб ўтилган.

Шундан сўнг, «Жума пахта тозалаш» АЖ томонидан «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖга 14.02.2022 йилда 01/10-сонли, 14.03.2022 йилда 01/24-сонли хат билан мурожаат қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартағи 230-сонли қарори ҳамда 19.09.2018 йилдаги 744-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, «Жума пахта тозалаш» АЖга тегишли бўлган бино ва иншоотлар Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2018 йилдаги 253-сонли қарорининг 2-бандида назарда тутилган шартлар асосида «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖга 5 (беш) йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотилиши белгиланганлигини, «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотлари «Олимп Баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖ томонидан баҳоланганлигини, ҳисобот 2021 йил 22 ноябряда «Total Estimate» МЧЖ томонидан экспертизадан ўтказилганлигини, «Жума пахта тозалаш» АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши қарори қабул қилинганлигини маълум қилиб, «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотларини баҳоланган қийматда сотиб олиш бўйича шартнома тузиш сўралган.

Илова қилинган шартнома ва график лойиҳасида «Олимп Баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖ баҳолаш ташкилоти томонидан 60 341 779 000 сўмга баҳоланганлиги ва «Жума пахта тозалаш» АЖ нинг олий органи (Акциядорлар умумий йиғилиши) томонидан тегишли қарорлар қабул қилинганлиги кўрсатилган.

Шартнома ва график лойиҳасида «Жума пахта тозалаш» АЖ га тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ҚҚС билан қиймати 69 393 045 850 сўм деб кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, ўз-ўзидан «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотларининг жами баҳоси 60 341 779 000 сўмни ташқил этишига, мулк холис баҳоланганлигига шубха туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 19.08.1999 йилдаги 811-I-сонли Қонуннинг 18<sup>1</sup>-моддаси 1-бандига кўра, «Зарур бўлган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш учун мазкур ҳисобот қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида экспертизадан ўтказилиши мумкин», 7-бандига кўра, «Баҳолаш обьектини баҳолашдан ўтказиш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг мазкур материалларнинг ишончлилигини аниқлашга доир хулосаси

қонунчиликда белгиланган тартибда фақат суд ажримига кўра тайёрланади. Баҳолаш тўғрисидаги хисобот суд томонидан ишончли эмас деб топилганда баҳолаш обьектини баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси суднинг ажримига кўра баҳолаш обьектини такорий баҳолащдан ўтказади ва баҳолаш обьектининг қиймати тўғрисидаги хulosасини судга тақдим этади» деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартағи 230-сонли қарори ҳамда 19.09.2018 йилдаги 744-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, «Жума пахта тозалаш» АЖнинг бино ва иншоотлари Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2018 йилдаги 253-сонли қарорининг 2-бандида назарда тутилган шартлар асосида «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖга 5 (беш) йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотилиши белгиланганлиги сабабли, «Жума пахта тозалаш» АЖ учун «Samarqand kamalak invest tekstil» МЧЖ билан шартнома тузиши мажбурий хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида, «Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак»лиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун талаби бўйича «қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ» деганда, айнан Ўзбекистон Республикаси хукумати-Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.2019 йилдаги 230-сонли, 19.09.2018 йилдаги 744-сонли ва 31.03.2018 йилдаги 253-сонли Қарорларида назарда тутилган холатлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 3-бандига кўра, Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-682-сонли Қонунининг 3-моддасида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир»деб, 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслардир»деб, 13-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиласи» деб белгилаб қўйилган.

Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Самарқанд вилоят бўлими давлат экспертлари эса била туриб ёлғон хulosса берган, тергов (суриштирув) маълумотларини ошкор қилган ва хulosса беришдан бўйин товлаган тақдирида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2010 йилги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ЎРҚ-249-сонли Қонунининг 3-моддаси, 5-бандида «суд экспертизаси — фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишида иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хulosса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат» эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 74-моддасида, суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишига асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг йигиндиси эса, етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олиниши белгилаб қўйилган.

Шу сабабли, «Олимп Баҳолаш ва Экспертиза маркази» МЧЖнинг «Жума пахта тозалаш» АЖнинг 100% акцияларини ва 1 дона оддий акцияларини бозор баҳоси тўғрисидаги 275/21-сонли ҳисоботда, «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотларининг жами баҳоси 60 341 779 000 сўмга баҳолаб ўтилган қисмини ишончли эмас деб ҳисоблаш лозим бўлади.

Баён қилинган сабабларга биноан, Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси таъминланмай, бино ва иншоотларни сотиб олиш ишлари 3 йилдан ортиқ муддатдан буён яқунланмасдан келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан 17.10.2022 йилда “Судга оид қурилиш-техникавий ва товаршунослик комиссиявий экспертизаси” тайинланган бўлиб, уни ўtkазиш X.Суламонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази суд-қурилиш техникавий ва суд товаршунослик экспертизаси бўлимлари мутахассисларига топширилган. Қарор мазмунига кўра, «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотларининг баҳосига аниқлик киритиш сўралган.

Тергов бошқармаси қарорига асосан, X.Суламонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази тегишли эксперtlари томонидан ўtkazilgan комиссиявий экспертиза натижаларига кўра, «Жума пахта тозалаш» АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда ва унга тегишли бўлган «Т.Усмонов», «М.Қўчқаров», «М.Фофуров», «Хончарбоғ» ва «Самарқанд» пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотларининг баҳоси **18 822 659 397 сўм эканлиги аниқланган.**

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилган.

Бироқ, Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ушбу тарафлар ўртасида юзага келган низони бархам топиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминланиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари ижро қилинишига зид равишда иш юритилган деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, баҳолаш обьектини баҳолашдан ўtkazish материалларини экспертизадан ўtkazish бўйича эксперт комиссиясининг мазкур материалларнинг ишончлилигини аниқлашга доир хulosаси қонунчиликда белгиланган тартибда **фақат суд ажримига кўра тайёрланади**. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суд томонидан ишончли эмас деб топилганда баҳолаш обьектини баҳолаш материалларини экспертизадан ўtkazish бўйича эксперт комиссияси суднинг ажримига кўра баҳолаш обьектини тақорорий баҳолашдан ўtkazadi ва баҳолаш обьектининг қиймати тўғрисидаги хulosасини судга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш хужжатлари ва суд

аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279 ва 302-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

**Бирок**, иш юзасидан қарор қабул қилишда қуий инстанция судлари қайд қилинган талабларга риоя қилмаган.

Хусусан, **апелляция инстанцияси суди ўз қарорида** “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Конун 18<sup>1</sup>-моддасининг мазмунига кўра, баҳолаш ҳисботи билан боғлиқ низо судда кўриб чиқилиши учун ушбу ҳисбот аввало қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан экспертизадан ўтказилиши, баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот ишончлилиги тўғрисида олинган эксперт хulosасига рози бўлмаган **буюртмачигина** баҳолаш материаллари (баҳолаш ҳисботи ва эксперт хulosаси)ни судда низолашиши мумкинлигини, **даъвогар эса буюртмачи эмаслигини** асос сифатида қайд этиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида **нотўғри хulosага келган**.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 2-бандига асосан қарор процессуал хуқуқ нормаларига аниқ риоя этилган ва низоли хуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий хуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган тақдирда қонуний ҳисбланади.

Апелляция инстанцияси судининг хulosаси қуидагиларга кўра асосиз ҳисбланади:

**Биринчидан**, суд ҳужжатида баён этилган қонунчилик ҳужжатлари нормаларида экспертиза буюртмачининг эксперт хulosасига рози бўлмаганда судга мурожаат қилиш хуқуқи борлиги кўрсатилган холос.

**Иккинчидан**, даъво аризасида фақат баҳолаш ҳисботини ишончли эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билдирилган бўлиб, эксперт хulosасини ҳаққоний ёки ҳақиқий эмаслиги юзасидан ёхуд эксперт хulosасига нисбатан бошқа талаб қўйилмаган.

**Учинчидан**, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Конун ёки соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўзининг хуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган ҳар қандай манфаатдор шахснинг баҳолаш ҳисботини ишончли эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш хуқуқи чекланмаган.

**Тўртинчидан**, ИПКнинг 72-моддасида қонунчиликка мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлиб, судлар ва жавобгарлар томонидан даъвогарларнинг баҳолаш ҳисботини ишончли эмас деб топиш талаби билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эга эмаслигини тасдиқловчи бирор-бир далил асос қилиб келтирилмаган.

**Ваҳоланки**, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади.

**Шунингдек**, ИПК 3-моддасининг биринчи қисмида ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

**Қолаверса**, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конун 18-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, тадбиркорлик субъектларининг ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади.

Баён этилганлардан кўринадики, ишни кўришда қўйи апелляция инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган ҳолда, **ноқонуний суд хужжатлари қабул қилинган**.

ИПК 301-моддасининг 3-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 302-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлганда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд хужжати бекор қилинган суд инстанциясига юборишга ҳақли.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланган.

Баён этилганларга асосан, иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларини бекор қилишни ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ушбу кассация шикоятини 25.07.2023 йилда Олий суднинг қабулхонасига топширган эдик. Ушбу шикоятимиз Олий суд судьяси В.Саттарова томонидан кўриб чиқилиб, давлат божининг кам тўланганлиги ва шикоят нухаси учинчи шахсларга юборилмаганлиги асоси билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 288,289 ва 292-моддаларига биноан қайтарилиган. Биз ажримда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб кассация шикояти ва унга илова қилинган хужжатларни умумий тартибда қайтадан топширмоқдамиз.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 301 - 303-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъатидан

### СЎРАЙМИЗ:

- 1.Кассация шикоятимизни иш юритувга олишингизни;
- 2.Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 22.06.2023 йилги 4-1402-2201/1722-сонли иш бўйича қабул қилган қарорини бекор қилиб, Самарқанд шаҳар судининг 25.04.2023 йилги ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни ёки қўйи инстанция судларининг ҳал қилув қарори ва қарорини бекор қилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўлланганлиги сабаб ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишингизни;

Илова:

- 1.Кассация шикояти ва унга илова қилинган хужжатлар тарафларга юборилганлиги тўғрисидаги почта квитанцияси;
- 2.Давлат божи ва почта харажатлари тўлов хужжатлари;
- 3.Ҳал қилув қарори ва апелляция қарори нусхаси;
- 4.Директор бўйруғи нусхаси;
- 5.Кўшимча хужжатлар;

*Хурмат билан,*  
Жамият директори



*Б.Бердимурадов*

Ижрочи: Ж.Умаров (99-121-59-22)